

## Самарқанд конференцияси меҳмонлари: Шайх Ҳамза Муҳаммад Бакри



19:30 / 07.03.2020 2517

*Маълумки, шу йилнинг 3 март кунидан бери Самарқанд шаҳридаги Форумлар саройида «Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Ушбу нуфузли тадбирда 20 га яқин мамлакатлардан 70 га яқин уламолар, исломшунос олимлар, таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари ўз маърузалари билан иштирок этмоқда.*

*Дарҳақиқат, мазкур анжуман сабабидан юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар кўҳна Самарқандни диққатга сазовор жойларини зиёрат қилади. Хусусан, Ислом оламида етук ҳисобланган шайх Саид Фуда, шайх Ҳамза Бакри ва шайх Аҳмад Даманхурийлардан иборат уламолар ҳам халқаро конференцияда иштирок этишмоқда.*

Етук исломшунос олим, асли Иорданиялик бўлган шайх Ҳамза Муҳаммад Бакир 1982 йил, 3 январь куни туғилган. Ҳозирда Туркиянинг Истанбул шаҳрида истиқомат қилади.

У 2004 йили Ал- Балқий университетининг усулиддин йўналиши бакалавр босқичи, 2007 йил ҳадис йўналиши бўйича Урдун (Иордания) университетиде магистратура босқичи, 2011 йилда эса шу университетнинг ҳадис факультети докторантура даражасини тамомлаган.

### **Фаолияти:**

Айни дамда Туркиянинг Фотиҳ Султон Меҳмет вақф университетиде исломий билимлар факультетиде ўқитувчи. Шунингдек, университетнинг исломий тадқиқотлар бўлими таҳқиқ курсларида ҳам дарс беради. Бундан ташқари тадқиқотчи олим 2011-2013 йилларда Уммондаги «Дорул Фатҳ» марказиде мумтоз асарлар таҳқиқий бўлимида бошқарувчи бўлиб фаолият олиб борган. 2013-2014 йиллар ва 2015-2018 йилларда Малайзия Исом билимлари университетиде калом ва ҳадис фанларидан дарс берган. Худди шу йили EDEP – таълимга кўмак марказиде ҳам калом фанидан таълим бериб келган.

### **Шайх Ҳамза Муҳаммад Бакрининг нашр қилинган асарлари:**

«Шарҳи васиййати ал имам Абу Ҳанифа лил Бабартий» (таҳқиқ), Уммон 2006 йил.

«Шарҳи Қасийдатил Қушайрийя». Уммон, 2012 йил.

«Тааддулул ҳадиси фий риваятил ҳадис». Уммон, 2014 йил.

«Ҳошия ат тиббий ъалал Кашшаф». (7,8 ва 14 жилдлар таҳқиқи) Дубай, 2014 йил.

«Ал анварул Ваадине фий тафсирил фатиха лид Дуруний» (таҳқиқ). Уммон, 2014.

«Фатаво ал Булқиний». (3 жилднинг таҳқиқи). Уммон 2014 йил.

«Ан нукат ат -тарифи лил Кавсарий» (таҳқиқ). Уммон, 2015 йил.

«Лимаҳатун назари фий сирати Имам Зуфар лил- Кавсарий». (таҳқиқ) 2017 йил.

Бундан ташқари бошқа кўплаб асарларини келтириб ўтиш мумкин.

Тадқиқотчи олимнинг айна дамда олиб бораётган илмий иши- Мулла Алийул Қорининг «Ал мубийну муъийн ала фаҳмил арбаъийн» асарининг таҳқиқидир.

***Islom.uz* портали таҳририяти**